Чет эл фуқаролари "Меҳнат Биржаси" нинг маълумотлар базасида қайд этилади ва 1 йил мобайнида хизмат кўрсатилиши тўғрисида шартномани имзолайди. Шартнома тузилаётганда чет эл фуқаросига Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятлари бўйича арзон тарифдаги Сим-карта тақдим этилади.

қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Санкт-Петербург шаҳри, Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

318-01-18 www.7771000.ru

Ҳалол Август

Ҳалол магазинлари технологияси орқали тайёрланган кўп турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини таклиф қилади.

- Мол гўшти, қўй гўшти,
- от гўшти, колбасалар,
- тансиқ таомлар,
- ширинликлар

Ҳалол Август – бу қоидали ва сифатли гўшт магазинлари

Бизнинг манзил:
«Горьковская» метро бекати, Конный переулок, д. 1.
«Садовая» метро бекати, Московский проспект, д. 4-а.

“Петербург болалари” («Дети Петербурга») педагог-волонтерлар учун семинар ўтказди

3 март, сешанба куни, чет эллик болаларнинг тил мослашуви билан шуғулланувчи “Петербург болалари” ташкилотида рус тили бўйича бўлғуси волонтер-педагогларнинг Оксфорд университети битирувчиси, Лондоннинг ўрта мактабларидан бирида саккиз йилдан буён ўқитувчилик қилиб келаётган Хейзел Виггинтон билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув доирасида янги волонтёрларга ташкилотнинг фаолияти тўғрисида гапириб беришди ва инглиз тилида рус тилига таржима қилинган ҳолда бўлиб ўтадиган ўқитиш методикалари бўйича семинарда иштирок этишни таклиф қилишди. Ҳозирда Хейзел Виггинтон вақтинчалик Россияда бўлиб турибди ва “Петербург болалари”га машғулотлар ўтказишга ёрдамлашмоқда. Ташкилотда таъкидлашларича, сўнгги вақтларда рус тилини ўрганишни хоҳловчилар сонининг кўпайиши кузатилмоқда ва волонтёрлар сонини ошириш лозим. “Петербург болалари” ўз сафига кўнгиллиларни қабул қилишдан мамнун бўлади!

Эслатиб ўтамиз, “Петербург болалари”нинг барча лойиҳалари кўнгиллилар кучи билан ўтказилади ва ўқувчилар учун бепулдир.

Транспортдан чиптасиз фойдаланганлик учун жаримани минг рублгача оширишмоқчи

Петербургда транспортдан чиптасиз фойдаланганлик учун жаримани оширишни режалаштиришмоқда. Транспорт бўйича шаҳар қўмитаси “Петербургда маъмурий қонунбузарликлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришларни тайёрлаб қўйган. Бу ҳақда “Росбалт” хабар беради.

Ҳозирда жарима қиймати 500 рублга тенг. Агар ўзгартиришлар қабул қилинадиган бўлса, унинг қиймати минг рублгача ошиши мумкин.

“Организатор перевозок” СПб ГКУнинг назорат-ревизорлик бошқармасининг маълумотларига кўра, 2014 йилда ер усти транспортидан фойдаланиш бўйича уч мингдан ортиқ қоида бузарликлар аниқланган.

Шаҳарни тозалаш учун 2017 йилга келиб махсус ахборот-аналитика тизими яратилади

Шаҳар ҳудудларини тозалаш бўйича ишларнинг ўзаро ҳаракати ва ташкил этиш дастурлар мажмуини ишлаб чиқариш учун Ободонлаштириш Қўмитаси махсус ахборот-аналитика тизимини яратади, деб ёзади “БалтИнфо”. Амалдорларга губернатор ўринбосари Игорь Албин шундай топшириқ берган.

Қўмитанинг матбуот хизматида хабар беришларича, 2017 йилнинг январига қадар ишлаб чиқиладиган тизимнинг биринчи босқичи тозалаш объектлари ва шаҳарнинг у ёки бу ҳудудини озода сақлаш бўйича масъул шахслар ҳақида барча маълумотларни ўзига жамлаган бўлади. Натижада бутун шаҳарнинг тозалик жараёнини бошқариш ягона марказлаштирилган навбатчилик хизмати қўлида жамлаш имконияти пайдо бўлади.

Бу йил қишда петербургликлар Игорь Албинни вазифасидан озод этишлари учун имзо тўплашни бошлаган эди. Бунга нафақат кўчаларнинг қордан сифатсиз тозалангани балки губернатор ўринбосарининг агар петербургликлар шаҳар тозалик хизматидан қониқмасалар, уларнинг ўзлари қўлларига лопата олишлари мумкинлиги ҳақидаги гапи ҳам сабаб бўлган эди. Кейинроқ Албиннинг аниқлик киритишича, шаҳарни қордан тозалаш масаласи қийин, чунки ЖКХ тизими реформага муҳтож, шаҳар хўжалик хизматларида эса мувофиқлик мавжуд эмас.

Қирғизистонликлар Ғалаба ҳақидаги 70 та буюк қўшиқни танлайди

Қирғизистондаги Рус ватандошлар бирлаштирувчи иттифоқи “Буюк Ғалаба ҳақида 70 та буюк қўшиқ” лойиҳасини бошламоқда. Бу ҳақда РВБИнинг матбуот хизмати хабар беради.

“70 кун мобайнида, 2015 йилнинг 1 мартидан 8 майгача РВБИ фаоллари қирғизистонликлар ўртасида сўров ўтказиш натижасида Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги 200 дан ортиқ қўшиқдан Ғалаба тўғрисида рус тилида куйланган Қирғизистонда энг машҳур 70 та қўшиқни аниқлайди”, - дейилади хабарда.

9 майга қадар РВБИ томонидан чоп этилган китобларда ва дискларда Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган 70 та қўшиқ жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинади. Кейинчалик материаллар таълим муассаларида тарқалади ва республика музейларига берилади.

Нафақат «День Победы», «Катюша», «Журавли», «Десятый десантный батальон», «Смуглянка», «Священная война» каби машҳур қўшиқлар ҳақида, балки афсуски кўпчилик томонидан унутилиб борилаётган бошқа қўшиқлар ҳақида ҳам билимларни ошириш лозим, айниқса ёшлар орасида” – деб таъкидламоқда РВБИ матбуот хизмати.

Маданият вазирлиги “Манас” эпоси кунини нишонлашни таклиф этди

Маданият, ахборот ва туризм вазирлиги жамоат муҳокамаси учун Қирғиз Республикасида “Манас” эпоси кунини белгилаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этди.

Кўрсатилишича, қонун лойиҳаси “Манас” эпосининг одамийлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида ёш авлоднинг руҳий тарбияланишида бетакрор ўрни ҳисобга олинган ҳолда ҳамда манасчиларнинг республика тарихий-маданий меросини сақлаш ва уларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш зарурлиги мақсадида ишлаб чиқилган.

Бишкекда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича митинг бўлиб ўтди

4 март куни Бишкекнинг Ала-Тоо майдонида “Болаларни ҳимоя қиламиз – мамлакат келажагини асраймиз!” номли болаларни зўравонлик, педофилиядан ҳимоя қилиш ва шафқатсиз муносабатда бўлишга қарши митинг бўлиб ўтди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, акциянинг мақсади давлат институтлари ва жамоатчиликни, фуқароларни болаларга нисбатан шафқатсизликнинг барча кўринишларига қарши диққатини жалб этишдир.

“Болалар ва аёллар Қирғизистон аҳолисининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этади. ҚРда 60 мингга яқин болалар мактабга бормайди, 5 ёшгача бўлган болаларнинг 22 фоизи овқат етишмаслигидан нобуд бўлади. Иқтисодий ресурсларга етиш имкони бўлмаган аёллар ўз фарзандларини ташлаб пул топиш мақсадида кетади. Қаровсиз қолган болалар эса зўравонликларга дуч келади”, - дейди фаоллар.

Имомуддин Сатторов Москва шаҳридан ташқаридаги миграция марказига ташриф буюрди

Тожикистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулотда ва мухтор элчиси Имомуддин Сатторов Москва областининг Сахарово қишлоғида жойлашган Кўптармоқли миграция марказига ташриф буюрди. Бу ҳақда НИАТ “Ховар”га ТРнинг РФдаги элчихонаси расмий вакили Муҳаммад Эгамзод хабар берган.



Янги кўптармоқли миграция маркази МКАДдан 50 км масофада, йирик аҳоли пунктлари ва жамоат биноларидан йироқда, Сахарово қишлоғидаги собиқ ҳарбий қисм ҳудудида жойлашган.

“Марказнинг бош директори Николай Федосеев тожик элчисига марказнинг асосий фаолияти йўналишлари ҳақида гапириб берган. Унинг сўзларига кўра, меҳнат муҳожирлари янги марказда тиббий кўрикдан ўтишлари, рус тили, тарих ва Россия қонунчилиги асосларидан тест топширишлари, ҳужжатларни таржима қилдиришлари ва нотариал тасдиқлатишлари, патент олиш учун керак бўлган ҳужжатларни тўлдириш бўйича хизматлардан фойдаланишлари, НДФЛ бўйича аванс тўловлари квитанциялари, электрон кўринишда ҳужжатларни тайёрлаш, расмга тушиш, дактилоскопик экспертизадан ўтиш, КТС полисини сотиб олишлари, солиқ ва миграция ҳисобига туришлари, зарур тўловлар ва ҳужжатларни расмийлаштиришлари мумкин. Яқин келажакда марказ узлуксиз ишлаши мумкин”, - деди М. Эгамзод.

Тожик дипломатининг яна хабар беришича, марказ иши билан танишиб ва ҳамюртлари билан суҳбатлашиб бўлгандан кейин Имомуддин Сатторов Марказ раҳбариятига биргаликда унинг ишини такомиллаштириш ва меҳнат муҳожирларига “Ягона дарча” асосида фақатгина сифатли хизматлар кўрсатишни таклиф этди.

Тожикистон ТИВ ва БМТ РД қўшма лойиҳа имзолади

Яқиндагина Душанбеда Тожикистон ташқи ишлар вазирлиги ва БМТ Ривожланиш дастури ўртасида “Ташқи ишлар вазирликларининг институционал ривожланишига кўмаклашиш” лойиҳасининг 4 фазасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

БМТРДда НИАТ “Ховар”га хабар беришларича, ҳужжатни Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожидин Аслов ва БМТ Ривожланиш дастурининг Тожикистондаги доимий вакили Александр Зевлар имзолаган.

Ушбу лойиҳанинг умумий бюджети 200 минг АҚШ доллари бўлиб, у БМТРД ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилади. Лойиҳа Тожикистон Ҳукуматининг миллий приоритетлари доирасида ишлаб чиқилган ва аввалги фазаларда эришилган ютуқларга асосланган. Лойиҳанинг бош вазифаси мамлакатнинг самарали ташқи сиёсатини татбиқ этишда ТР ТИВнинг институционал салоҳиятиин мустаҳкамлашга кўмаклашишдир.

Ушбу лойиҳа ёш дипломатларнинг малакасини оширишда кўмаклашишга йўналтирилган (стажировкалар, тил бўйича курслар, Россия Федерацияси Дипломатия Академиясида дипломдан кейинги таҳсил, ўқиш хоналарининг техник таъминоти, мураббийлик ва мониторинг қилиш, чет элларда таълим тадбирлари ва б.). Лойиҳа давомида ТР ТИВнинг 70 дан ортиқ ходимлари қисқа ва ўрта муддатли малака ошириш курсларини ўташни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда судларга интернет орқали мурожаат қилиш қонун билан мустаҳкамлаб қўйилади

Ўзбекистон Фуқаролик-процессуал кодексига фуқаролик ишлари бўйича фуқароларнинг судларга электрон шаклда мурожаат қилишлари, суд чақирув қоғозлари ва қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юборишга имкон берувчи ўзгартиришлар киритиш режалаштирилмоқда.

ФПКга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш қонун лойиҳаси Олий суд пленумининг 27 февралда бўлиб ўтган йиғилишида кўриб чиқилди. Йиғилишда қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига муҳокама учун киритилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Судларга электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби киритилиши муносабати билан ЖПКга фуқаролик судларида иш юритишни такомиллаштириш, суд ҳаражатларини камайтириш ва судларни уларга хос бўлмаган вазифалардан озод қилишга қаратилган ўзгартиришлар киритилиши режалаштирилмоқда. Хусусан, жавобгарлар сонига боғлиқ равишда судларга аризалар ва уларга бириктириладиган ҳужжатлар нусхаларини юбориш ҳамда суднинг томонларга аризалар ва бошқа ҳужжатларни қайта юбориш вазифаларини истисно қилиш таклиф қилинмоқда.

2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан суд ишларини юритиш тезкорлигини оширишга қаратилган Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш дастури қабул қилинган эди.

Дастурга мувофиқ, 2014 йилнинг охирига қадар электрон суд жараёни, шу жумладан, суд жараёнларини видео ва аудио қайд қилиш ҳамда стенографиянинг янги усулларидан фойдаланишни ташкиллаштириш, судга даъво, илтимоснома ва уларга бириктирилган корреспонденцияни тақдим қилиш имкониятини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда судлар веб-ресурсларининг модернизация қилиниши, суд муҳокамаси иштирокчиларига хабар бериш имкониятини яратиш ва суд далолатномалари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш режалаштирилган эди.

Ўзбек эстрада юлдузлари Леннноннинг “Imagine” қўшиғини куйлашди

2 март куни ЮНИСЕФ ваколатхонаси Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Жон Леннноннинг “Imagine” қўшиғига ишланган видеоклипни тақдим этишди. Қўшиқни ўзбек эстрада юлдузлари Лола ҳамда DJ Piligrim ижро этишган. IMAGINE номини олган клип тақдимоти 2014 йил давомида ўтказилган ЮНИСЕФ ташаббуси остидаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конфенциянинг 25 йиллигига бағишланган байрамнинг якуний қисми бўлди.

ЮНИСЕФ ваколатхонаси берган хабарга кўра, Жон Леннноннинг беваси Йоко Оно “Imagine” қўшиғини турли мамлакатларда болалар ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш мадҳияси сифатида фойдаланишга рухсат берган.

Ўзбекистонда лойиҳани Ucell мобил алоқа оператори қўллаб-қувватлаган. Қўшиқнинг радиотақдимоти 18 февраль куни, Йоко Ононинг туғилган кунида бўлиб ўтган.

“IMAGINE кампанияси ҳар бир боланинг аҳамиятини ва ҳар бир овознинг эшитилишини таъминлашга йўналтирилган, - деди ЮНИСЕФ ваколатхонаси бошлиғи Роберт Фудерич. - ЮНИСЕФ IMAGINE орқали миллионлаб одамларга мурожаат қилиб, уларнинг эътиборини болалар муаммосига, айниқса кам таъминланган болаларга жалб қилади”.

Миллий кутубхона сайти берган маълумотга кўра, клипда “Сато” гуруҳи ва “Томоша” болалар мусиқий гуруҳи иштирок этишган. “Imagine” видеоклипи 2 мартдан бошлаб Ўзбекистоннинг баъзи телеканалларида эфирга узатилади.

Психологик ёрдам

Шилқимликдан қутулиш: қандай қилиб “йўқ” дейишни ўрганиш керак?

“Турон” газетаси таҳририяти мухлисларим йўллаётган аниқ бир ҳолатлар бўйича психологнинг шарҳларини чоп этишни бошламоқда.

Фото: test.lanzhur.ru

Таҳририятимизга Амира исмли қиздан мактуб келди. У Самарқанддан Санкт-Петербургда ўқиш учун келган. У бу ерда қурилишда ишлайдиган ва моддий ёрдам берадиган акаси билан яшайди. Уларникида акасининг ўзига ўхшаб турли хил жойларда ишлайдиган ўртоқлари меҳмонга келиб туришади. Эркаклар кўпинча оғир ишдан кейин келишади ва уларнинг уйида тунаб қолишлари мумкин. Амира эса Ўзбекистон миллий маданиятлари анъаналари бўйича тарбия кўрган аёл каби уйни озода ва саранжом тутади, овқат тайёрлайди ва ҳар доим акасининг гапига қулоқ солади. Сўнгги вақтларда акаси йўқлигида унинг дўстлари томонидан ахлоқсизлик ҳаракатари таклифлари туша бошлади, ҳаттоки куч ишлатишга ҳам ҳаракат қилишди. Амира бундай қийин ҳолатда зўрланиш ҳолатидан қутулиш ва оилада тинчликни сақлаш учун ўзини қандай тутишини сўраб таҳририятга мурожаат қилди.

Аввалига ўзида жасорат топаолган ва ёрдам сўраб мурожаат қилган Амирага миннатдорчилик билдирамиз, ахир кўпгина аёллар бундай холларда шунчаки индамайдилар ва барчасини ўз йўлига қўйиб-қўядилар.

Сиз тинчланишингиз мумкин, сиз бундай ҳолатга тушган биринчи ҳам, охирги ҳам эмассиз. Афсуски, бу Марказий Осиёлик муҳожир аёллар билан жуда ҳам кўп учрайдиган ҳолатдир. Бу масалада энг асосийси – жим ўтириш керак эмас, нимадир қилиш керак, ўзгартириш ва ҳаракат қилиш лозим.

Аввалампор, эркакларни ўзларини бундай тутишларига ундаш сабабларини кўриб чиқамиз. Ўрта ва Марказий Осиёдан келганлар Россияда энг оғир ва кам ҳақ тўланадиган, кўп ҳолларда эса ёмон шароитларда ишлашга мажбур бўлишади. Бундай шароитларда эркаклар доимий стрессга дучор бўлади, доимий равишда кескинлик, қўрқинч ва ғамгин ҳолатда бўлишади. Шу сабабли бундай шароитда кўпгина негатив эмоциялар ва энергия тўпланади ва бу кескинликдан халос бўлиш ёки чалғиш учун одамлар ичишни бошлайди ва жинсий алоқа орқали бунинг ўрнини босишни истайди. Бу эркакларнинг хотини ва оиласи одатда бошқа мамлакатда яшайди ва улар ўз ватандошлари орасидан жинсий алоқа учун аёлларни қидиришни бошлайди.

Шу сабабли биринчи навбатда аёллар ўзларининг хоҳиш ва туйғулари борлигини анлаш ва қабул қилиш керак. Ва агар аёл эркакнинг кўнглини олиш ёки унга яхши бўлиши учун жинсий алоқа билан шуғулланишни истамаса, бунга унинг ҳуқуқи бор, ундан ташқари ҳар томонлама буни ҳимоя қилиши ва ўзининг маъсумлигини сақлаб қолиши лозим. Аёл киши ўзи учун бир нарсага қарор қилдими, унинг фикрини ўзгартириш қийиндир.

Нима сабабдан аёл кишига жинсий алоқани хоҳлайдими ёки тақволи турмуш тарзини олиб бориш муҳим эканлигини тушуниш ва қабул қилиш керак? Агар у шубҳаланадиган бўлса, эркаклар буни кўради ва шунга кўра ўз босимини кучайтириб, буларнинг барчаси зўрлаш билан тугаши мумкин.

Агарда аёл маъсумалигини сақлаб қолишини айтса, аммо ўз ҳаракатлари билан бунинг аксини билдириши мумкин. Масалан, калта юбка кийиш, олди очиқ кўйлак ёки жуда ҳам тор кийим киядиган бўлса ва яна жуда ҳам бўянса, унда бу ҳам эркакларга буқалар учун қизил латта каби кўринганидек кўриниши мумкин. Бу ҳозир баҳорда айниқса жуда ҳам муҳимдир.

Кўп ҳолларда аёл эркакка “йўқ” дейди, аммо ҳар бир қулай шароит бўлди дегунча флирт қилади ёки кўз сузади. Ўзини бундай тутишни эркакларнинг онги “ҳа” жавоби деб қабул қилади.

Ҳурматли аёллар, эслаб қолинг, одам мияси маълумотларнинг 80 фоизини сўзлар орқали эмас, балки ўзни тутиш, имо-ишора, мимика, гап оҳанги, қарашлар, нафас орқали ўқийди. Шу сабабли, агар сиз “йўқ” десангиз, бу ҳақиқий “йўқ” бўлмоғи лозим, ҳингир-ҳингир ёки довдираш бўлмаслиги керак. Ҳа, бунинг учун “йўқ” дейишни ўрганиш керак бўлади. Кўпчиликнинг қўлидан бу иш келмайди, лекин эртами-кечми буни ўрганиш керак бўлади.

Агар сиз ўзингизни маъсума бўлиб тутишга қарор қилсангиз, унда ўзингизни шунга мос равишда тутишингиз лозим. Ёлғон умидлар ва ваъдалар бериш керак эмас. Бу эса аниқ гапириш керак деганидир, яъни: уятсиз ҳаркатга нисбатан “Мен сен билан жинсий алоқа қилмайман” дейиш керак, уялиб ёки ҳингирламасдан, айниқса жим турмаслик керак. Фақат буларнинг барчасини бошиданоқ намойиш этиш керак, эркак кишини умидлантирмасдан. Кўз сузгандан кейин йўқ дейишни бошлаш бу хатоликдир – бундан кейин эса эркак киши жаҳл устида қўл кўтариши ёки зўрлаб қўйиши мумкин.

Ундан ташқари кўп ҳолларда спиртли ичимлик таъсирида аёлларга тегажоғлик қилиб, кўпол одамларга айланиб, бошқариш ва тўхтатиш жуда ҳам қийин бўлган “ҳайвон”га айланиб қолади. Бундай ҳолатларда авалдан ўз хавфсизлигингиз ҳақида ўйлаб қўйишингиз лозим. Масалан, агар бугун уйингизда ичадиган эркаклар йиғилишини билсангиз, дугонангизникига ёки қариндошингизникига меҳмонга кетганингиз маъқул.

Ҳурматли аёллар, нима бўлганда ҳам эркак киши билан жинсий алоқа қилиш ёки маъсумалигингизни сақлаб қолиш танлови ўзингиздадир. Ундан кейин содир бўладиган барча ҳодисалар ўзингизнинг танловингиз ва жавобгарлигингиздадир.

Хайр-эҳсон қилувчи инсонларга мурожаатнома

Азиз дўстлар! Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларитурмушимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Аммо кўпчилигимиз уларнинг муаммоларига худди биз ва улар ендош оламларда яшайдигандек қарамоқдамиз. Бинобарин, биз- Россия ҳудудида яшовчи жамиятнинг бир қисми эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Магазинларда, транспортда, кўчаларда, кўп қаватли уйларда биз бошқа юрт, бошқа маданият вакиллари билан бирга кун кечирамиз. Улар биз каби тиббий ва ижтимоий таъминотдан фойдаланишяпти, биз каби Россия ички ялпи маҳсулотини шакллантиришда иштирок этишяпти.

Аммо, кўпгина муҳожирлар “ғайриинсоний” шароитларда кун кечирмоқда. Кўпинча улар фирибгарлар ва виждонсиз воситачилар қўлига тушиб қолмоқдалар, уларни иш берувчилар алдаяпти. Бунинг натижасида улар ўта мушкул моддий ва маънавий ҳолатга тушиб қоляптилар. Афсуски, фуқароларнинг ушбу тоифасига беминнат ердам берувчи ва хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар бизнинг ҳудудимизда жуда кам.

2012 йилнинг август ойидан бошлаб Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград областида “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди” нотижорат ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Фонднинг асосий вазифаси- Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлари ва бошқа ижтимоий ҳимояланмаган шахсларга беғараз ёрдам, хусусан, ҳуқуқий ва моддий кўмак беришдан иборатдир. Фонднинг яна муҳим вазифаларидан бири- бу Россия Федерациясининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларида, иш берувчилар олдида, суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида, давлат муассасаларида муҳожирлар номидан вакиллик қилиш ва уларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этишдир.

Фондга кўпинча Россия Федерацияси ҳудудида вафот этган муҳожирларнинг қариндошлари мурожаат этишади. Майитни ватанига юбориш учун 50 000 рубл атрофида маблағ керак бўлади. Кўпинча на қариндошларда ва на яқинларида бунча пулни йиғишнинг имкони бўлмайди.Баъзан қариндошларнинг ўзи бўлмайди. Бундай ҳолатларда майитни ватанига жўнатиш учун бизнинг кўнгилли ходимларимиз жума кунлари масжидларга ва қурилишларга бориб, бефарқ бўлмаган инсонлардан керакли бўлган маблағни йиққан вазиятлар кўп бўлади.

Биз Фондимизга молиявий ва ахборот кўмагини аямаетган мурувватли инсонларга: хусусий шахслар ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз. Ҳар бир хайрия эҳсони, ҳоҳ у 100 рубл бўлсин, ҳоҳ у бир миллион рубл бўлсин, катта савоб ишдир. Биз учун исталган кўринишдаги кўмак муҳимдир, чунки биз муҳтожларга бу маблағларни қандай сарфлашни биламиз.

Биз сизларни “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди ”да кўришдан, сизларга муҳожирларнинг ҳимоясиз қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб беришдан мамнун бўламиз.

“Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди” хайрия ташкилоти қуйидаги манзилда фаолият юритади: ул. Бабушкина, д. 52 («Ломоносовская» метро бекати).

Тел.: 8 (812) 309-73-06.

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиелик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайер бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома езиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Санкт-Петербургда қандай қилиб квартира ижарага олиш ва фирибгарларнинг қўлига тушиб қолмаслик мумкин?

“Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди”га квартираларнинг қалбаки эгалари томонидан алданган чет эл фуқаролари тез-тез мурожаат қилиб туришади. Одатда бошпанани зудлик билан ижарага олиш зарур ва муҳожирлар ўзларига қулай бўлган райондан энг арзон вариантни топишади. Эълонлар бўйича улар консултация хизматларини кўрсатадиган ва уй топишда ёрдам берадиган қандайдир фирмаларни топишади. Жуда ҳам кўп ҳолларда булар бир кунлик фирма бўлиб чиқади, уларнинг хизмати учун 5 мингдан 15 минг рублгача тўлаш лозим бўлади ва кейин маълум бўладики, улар ҳеч қандай кафолат бермайди.

Фирибгарлар жуда ҳам содда, лекин самарали бўлган схема асосида иш олиб боради. Улар МДҲ фуқаролари орасидан бошпана ижарага олишни истаган одамларни топади, улар билан сохта шартнома тузади (бу шартномаларнинг бланкаларини Интернетдан юклаб олиш мумкин), гўёки шартнома муддати тугаганда қайтариб бериладиган аванс тўловини ва бир ой учун ижара ҳақини олишади. Бундан кейин улар янги ижарачиларга квартиранинг калитларини беришади ва кетишади. Фирибгарлар агентликларнинг собиқ ходимлари бўлиб, компаниянинг бланкаларини ўғирлаган бўлиб чиқишлари ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ҳеч нимадан шубҳаланмасдан яшаётган ижарачиларга бир муддат ўтгандан кейин нотаниш одам келади ва жаҳли чиққан ҳолда унинг уйида бегоналар борлигини айтиб, уйни бўшатиб қўйишларини сўрайди. Суриштиришлардан кейин маълум бўладики, ижарачиларни бу квартирада яшаган собиқ ижарачилар алдаб кетгани маълум бўлади. Адолатни талаб қилиб келган одам эса квартиранинг эгаси бўлиб чиқади.

Кўп ҳолларда бундай ташкилотлар мижознинг ҳужжатлари ҳақиқий эканлигини текшириш мақсадида офисига таклиф қилади, қиммат бўлмаган бошпана топишади ва ҳисоб-китобларнинг иккита вариантини таклиф қилади. Ёки шу ернинг ўзида уйнинг ижараси учун тўловнинг 100 фоизини агентга комиссия сифатида тўлайсиз ва у сиз билан таклиф қилинган манзилларга бориб, кўрсатади, ёки комиссиянинг “атиги” 50 фоизини тўлайсиз, шартномани тузасиз ва ўзингиз уйнинг эгаси билан телефон орқали фирма келишганидан кейин борасиз. Албаттаки, уйнинг эгаси бундан “бехабар” бўлади.

Афсуски, бундай жиноят схемалари меҳнат муҳожирларига қарши кўп ҳолларда иш беради: узоқ вақт мобайнида квартира излаш учун уларнинг вақти йўқ, ижара шартномаси қандай тузилишини билмайди, унинг устига эса уни диққатсизлик билан ўқишади.

Бундай ҳолатга тушиб қолмаслик учун йирикроқ кўчмас мулк агентлигига мурожаат қилиш керак, улар сизга аниқ вариантларни таклиф қилади, фақатгина умумий маълумот бермайди, ёки квартиранинг ҳақиқий эгаси билан учраштиради, сиз у билан шартнома тузганингизда ва унинг розилиги билан шу квартирага рўйхатга ҳам туришингиз мумкин бўлади. Жойнинг ўзида шартнома тузган вақтингизда уйнинг эгаси билан гаплашаётганингизга амин бўлинг. Сиз ундан уйнинг мулк эгаси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни сўрашингиз ёки агентликка мурожаат қилган чоғингизда эса ўз агентингиз билан маслаҳатлашишингиз мумкин. Шартноманинг барча пунктларини, айниқса майда ҳарфлар билан ёзилган қаторларини диққат билан ўқиб чиқиш лозим.

Агар сизда саволлар пайдо бўлса ёки иккиланасангиз, қоғозларга имзо чекишдан аввал “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди” юристларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Байрам арафаси сизга табриклар

Байрам арафаси сизга табриклар,
Барча ширин сўзу, калом сизга бахш,
Балким ҳозир қувончдан
намдир киприклар,
Сиз эрурсиз оламнинг
юзидаги нақш.

Бугун сизга илҳақ дастурхон,
Қуёш ҳам иложсиз бир бор
кулмоққа,
Бугун пойингизда жумлаи жаҳон,
Йилда бир кун сизни шодон
қилмоққа.

Тўғри сиз ҳозир кулиб қўясиз,
Юрак ҳам бир бор чиндан кулсайди,
Тилдамас дилингизда айтиб
куласиз,
Қанийди ҳар кун ҳам байрам
бўлсайди.

Доимо иболи, ҳаёли,
Сўзлари мулойим, иболи,
Рўзғору уйида ҳаёли,
Таъзим, эй ўзбек аёли.

Сафардан ёрини кутади, тонглари
Тонглари шукурдай отади,
Фарзандга юргин тутади,
Ҳавасдаман эй ўзбек аёли.

Бир қўлда бешигин тебратар,
Олам ҳам кафтингда айланар,
Мадҳингда қўшиқлар куйланар,
Ҳайратдаман эй ўзбек аёли.

Юлдуз Ядгарова

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди
Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?
Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!
Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:
- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
- ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- қарз маблағи олишда юридик маслаҳат
Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:
- Рус тили машғулотлари
- Маданий ҳордиқ ва ҳайрия тадбирлари
- Илмий семинарлар ва анкуманлар
ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии
Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!
Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)
Телефон: 8 (812) 309-73-06 Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Азиз дўстлар! Сизларни
“ЎРТА ОСИЁЛИК МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ФОНДИ”
иштирокчисига айланишга таклиф этамиз.
Фонд қатнашчисига айланиб сиз бутун меҳнат фаолиятингиз давомида иш жойингизда мунозарали вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқларингиз поймол этилганда ва кутилмаган вазиятларда бепул ҳуқуқий ва юридик ёрдам олишингиз мумкин. Фонд ҳамиша ўзининг қонунга бўйсунувчи қатнашчиларини ғаразгўй шахслар ва ташкилотлар олдида ҳимоя қилади.
Батафсил маълумотларни Фонд ходимларидан қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (812) 309-73-06
ёки қуйидаги манзилга ташриф буюришингиз мумкин: Бабушкина кўчаси 52, лит. А, пом. 27Н 10.00 дан 18.00 га қадар иш кунлари.

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Мария Максимычева
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина
Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Мансурбек Мирзавалиев
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1571. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 2.03.2015, фактическое – 2.03.2015
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Мария Максимычева
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Мансурбек Мирзавалиев
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриет уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06
Газета тиражи: 15 000 нусхада.
ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1571. Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390. Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 2.03.2015 соат 18.00, ҳақиқий вақти – 2.03.2015 соат 18.00